O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
UZUN TUMAN HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКАЯ ОБЛАСТЬ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА УЗУНСКОГО РАЙОН

Uzun tumani, Ozbekiston kochasi 7-uy, Tel:0 (376) 447-34-65, fax: 0 (376) 447-35-45

2019 йил "27" Декабрь 5-4228 **- сонли**

Узун туманида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари"га мувофиқ, туман ҳудудида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Узун туман "Деҳқон (озиқ-овқат) бозори" МЧЖ ҳудудида ҳар дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ўтказилсин.

2. Туман давлат солиқ инспекцияси (Р.Боймирзаев), туман ички ишлар бўлими (А.Нормаматов), туман санитария-эпидемиология назорати маркази (А.Амонов) ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда:

Узун туман "Деҳқон(озиқ-овқат) бозори" МЧЖ ҳудудида дам олиш кунлари савдо ярмаркаларини тайёрлаш, ўтказиш ва ёпиш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқилишини;

дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат берилишини;

дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилишини таъминласин.

3. Қуйидагилар:

товарга оид ҳужжатлар;

сотувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда дам олиш куни ярмаркаларида иштирок этиш ва маҳсулотларни сотишга рухсат берилиши белгилаб қўйилсин.

4.Мазкур қарор дам олиш кунлари бозор ҳудудипда савдо ярмаркаларини ўтказишда бевосита қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан сотишга шарт шароитлар яратиш учун махсус ажратилганжойларда амалга оширилиши учун татбиқ этилиши бўйича алоҳида назорат ўрнатилсин (байрам кунлари ташкил этиладиган савдо ярмаркалари бундан мустасно).

5.Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Менглиев) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Б.Б.Турсунов**